



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 28 ноябрь, № 249 (9144)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодани телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Европа Иттифоқининг Халқаро шерикликлар бўйича комиссари Йозеф Сикела ҳамда Кенгайиш масалалари бўйича комиссари Марта Кос бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни жорий йил октябрь ойида Брюсселга олиб борадиган ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Европа Иттифоқи вакиллари Ўзбекистон Президентига Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг самимий саломларини етказди.

Ўзбекистон етакчиси еврокомиссарларни Тошкентда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” учинчи иқтисодий форуми ва Транскаспий транспорт йўлаги ҳамда ўзаро боғлиқлик бўйича инвесторлар форуми муваффақиятли ўтказилгани, яқунда минтақавий

миқёсдаги бир қатор янги қўшма лойиҳалар ишга туширилгани билан табриклади.

Ўзбекистон — Европа муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани, икки ва кўп томонлама ҳамкорлиқнинг янги кенг қамровли кун тартиби шаклланигани мамнуният билан қайд этилди.

Бу йил Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (КШХБ) имзоланди, Самарқанд ва Брюсселда саммитлар бўлиб ўтди, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши юзасидан Европа Иттифоқи билан музокаралар якунланди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш қарийб 7 фоизга ўсди. КШХБнинг амалиётга жорий этилиши савдо

ҳажми ва инвестициялар оқимининг сезиларли даражада ошишига хизмат қилиши таъкидланди.

Савдон кенгайтириш ва диверсификация қилиш учун ҳамкорлиқнинг институционал механизмларини янада такомиллаштириш, саноат кооперацияси, транспорт, рақамлаштириш, муҳим минераллар, энергетика, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор соҳаларда ҳамда янги қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибдаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Транскаспий транспорт йўлаги бўйича инвесторлар форумида иштирок этиш учун Тошкентга келган Франция Республикаси транспорт вазирлиги Филипп Табарони қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг самимий саломлари ва энг эзгу тилақларини етказди.

Жорий йил март ойида Парижга амалга оширилган олий даражада-

ги тарихий ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги стратегик шериклик, айниқса, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда фуқаролик авиациясида алоқаларни кенгайтириш, транспорт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шу жумладан, яқинда ташкил этилган Ўзбекистон — Франция университети имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Тошкент халқаро аэропортидаги муҳит одатдагидан бошқача. Бу ерда юртимиз спорт шаъни учун курашиб, жаҳонни лол қолдирган ёш қаҳрамон — FIDE Жаҳон кубоги чемпиони Жавохир Синдоровни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Аэропортдаги кўтаринки руҳ, одамларнинг юзидаги қувонч, кўлларидаги гулдасталар — буларнинг бари юртимизда шахматга, ёшлар спортига катта ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Айниқса, фарзандларини кўлларида етаклаб келган ота-оналар нигоҳидаги фахр-ифтихор дилларга янада илиқлик бағишлайди.

Шуқуҳ

Хиндистоннинг Гоа шаҳрида 30 октябрь — 27 ноябрь кунлари ўтказилган нуфузли “FIDE Жаҳон кубоги — 2025” мусобақасида дунёнинг 89 мамлакатидан келган 206 нафар кучли шахматчи қатнашди. Шундай муҳир рақиблар орасида Жавохир Синдоров чемпионлиқни қўлга киритиб, Ўзбекистон номини яна бир қарра дунёга танитди. Унинг ғалабаси меҳнат, ирода, истеъдод ва Ватанга содиқликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Тошкентга қайтган ёш чемпионни кутиб олиш маросими ниҳоятда тантанали ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Абдулла Арипов, Спорт вазирлиги Адҳам Икрамов, Миллий олимпия қўмитаси раҳбарияти, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари, расмийлар, спортчининг яқинлари ҳамда кенг жамоатчилик қатнашди.

Маросимда Президентимизнинг Жавохир Синдоровга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонини бериш тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди.

Юксак унвон Жавохирнинг шахмат ривожини ва уни оммалаштиришга қўшган ҳиссаси, халқимиз олдидagi фидойилиги, жасорати ва юксак маҳоратининг эътирофидир.



Ахмад МУҲАММАДОВ олган сурат.

Унинг мана шундай ғалабаси мамлакатимиз нуфузини ошириш билан минглаб ёшлар учун ҳам илҳом манбаига айланди.

Шу билан бирга, чемпион Президент совғаси сифатида 3 хо-нали хонадон ва 123 миллион

600 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Унинг мураббийи Роман Видоняк эса 61 миллион 800 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди. Бу мукофотлар юртимизда истеъдод ва меҳнатнинг кадрларидан далolat.

Тадбир давомида шоирлар томонидан Жавохирнинг ғалабасига бағишлаб ёзилган шеърлар ўқилди. Бу эса тантананинг руҳини янада кўтарди ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлади.

МуСОБАҚАНИНГ умумий мукофот жамғармаси 2 миллион АҚШ доллари ташкил этгани, шунингдек, 1 — 3-ўрин соҳиблари 2026 йилда бўлиб ўтадиган шахмат тожи учун Даъвогарлар турнирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани ёш гроссмейстеримиз муваффақиятини нқадад муҳим эканини кўрсатади.

Тадбирда тигиз вақт бўлишига қарамай замонамизнинг ёш қаҳрамони билан суҳбатлашиб, унинг таассуротларини ёзиб олишга муваффақ бўлди.



2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

2

ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Греция Республикаси элчисига мурожаат қилар экан, ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги аънавий ва истиқболли шерикларидан бири эканини таъкидлади.

Жорий йилда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар муваффақиятли ўтказилди. Апрель ойида Тошкентда Греция элчихонаси ўз фаолиятини бошлади.

Йил бошидан бери ўзаро савдо ҳажми 5 баравар ошди. Фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат sanoati, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Яқин фурсатда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Ўзбекистон — Греция бизнес форумининг самарали бўлишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Индонезия Республикаси билан муносабатлар ҳақида гапирар экан, Президентимиз халқларимизни азалдан тарихий, диний ва маданий алоқалар боғлаб турганини таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан 60 фоизга ошгани таъкидланди. Кимё sanoati, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва туризм соҳаларида қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Декабрь ойида тўғридан-тўғри авиарейслар йўлга қўйилди.

Келгуси йили Тошкентда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форуми ҳамда Жакртада сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиши салмоқли натижа беришига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Латвия Республикаси билан муносабатлари муҳокама қилиш чоғида сиёсий ва иқтисодий

дий алоқалар изчил ривожланаётгани, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашганини таъкидлади.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистоннинг Латвияга экспорти ва қўшма корхоналарнинг сони уч баравар ошди. Мамлакатимизда Латвия Инвестициялар ва тараққиёт агентлигининг ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Яқинда Ригада Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Миграция соҳасида қелишув имзоланиши, авиакатновлар қўлайлиши ва иқтисодий ҳамкорлик механизмларидадан самарали фойдаланиш икки мамлакат халқлари янада яқинлашишига хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз Франция Республикаси ҳақида сўз юритар экан, фаол сиёсий мулоқот туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади. Ўтган ойда Стратегик режалаштириш гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг март ойида Парижга амалга оширилган олий даражадаги тарихий ташифр давомида 10 миллиард долларлик қўшма лойиҳалар бўйича қелишиб олинди. Йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард доллардан ошди.

Франция тараққиёт агентлиги билан 2030 йилгача ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Ўзбекистон — Франция қўшма университети очилди.

Бу йил Парижда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари ва туризм салоҳияти кўргазмаси халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Келгуси йилда Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгаширининг биринчи йиғилиши ва Худудлараро форуми ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Россия Федерацияси — Ўзбекистоннинг узок йиллик стратегик ҳамкори ва иттифоқчиси.

Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 12 миллиард долларга яқинлашди. Мамлакатимизда Россия сармоясини иштирокида 3 мингдан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Йил бошидан буён 4 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Россиянинг 15 та олий таълим муассасасининг филиаллари самарали фаолият юритмоқда.

Жорий йил Парламентлараро комиссия йиғилиши, “ИННОПРОМ” халқаро саноат кўргазмаси, Худудлар раҳбарлари кенгаши, сиёсий маслаҳатлашувлар, Ректорлар форуми, Россия маданияти кунлари ва бошқа тadbirlar ўтказилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишини самарали ўтказиш, худудлараро мулоқотни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Япония билан стратегик шерикликни кенгайтириш — ташки сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири.

Ўзбекистонда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония ташки савдо ташкилоти (JETRO) ва Нагоя университети ваколатхоналари самарали фаолият юритмоқда.

Телекоммуникация, энергетика, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, таълим ва туризм соҳаларида 8 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Стратегик мулоқотнинг биринчи йиғилиши август ойида, ўтган ой эса Самарқандда Ректорлар форуми бўлиб ўтди. Осакада “Евро — 2025” кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Миллий кўни муваффақиятли ташкил этилди.

Кейинги ой Токиода бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар ва ишбилармон доираларнинг мулоқотлари икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бағишлашига ишонч билдирилди.

Умумий сиёсий ирода туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Чегара масалалари тўлиқ тартибга солиниди ва транспорт алоқалари тикланди. Парламентлар, ҳукуматлар, худудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорлик кучайди.

Ўзаро савдо 5 барбардан зийдага ошиб, 1 миллиард долларга яқинлашди. “Ойбек — Фотехобод” эркин чегараолди савдо зонаси ва “Андархон” савдо-логистика марказининг ташкил этилиши товар айирбошлашни қарра-сига оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Саноат, транспорт, геология, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳият борлиги қайд этилди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларга шарафли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади, ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга чақирди, худудлар ва хусусий сектор вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, хорижий дипломатлар самимий қабул ва яратилган шaroитлар учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни фаол ривожлантириш учун профессионал тажрибаси ва билимларини тўлиқ сафарбар этишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Ў.А.

Сенат қўмиталарида

КУН ТАРТИБИДА – ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида пойтахтда транспорт ҳаракати хавфсизлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш ва йўл инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофида қўриб чиқилди.



Қайд этилганидек, дунёнинг қўллаб йирик шаҳарларида автомобиллар сонининг ошиб бориши ҳаракатини тартибга солишда замонавий, илгор ёндашувларни жорий қилишни талаб этмоқда. Жаҳон тажрибасида метрополи-тен, жамоат транспортини ва "Park&Ride" каби моделлардан фойдаланиш тирбандликларни камайтиришда ўзининг юқори самарасини кўрсатмоқда.

Қўмида мажлисида Тошкент шаҳридаги асосий муаммолар атрофида қўриб чиқилди. Жумладан, пидедалар ва велосипедчилар учун хавфсиз инфратузилманинг хали ҳам етарли даражада эмаслиги,

айрим йирик чорраҳаларда йўл ҳаракатини тартибга солишчи "акпли" светофор тизимларининг тўлиқ ишга тушмагани таъкидланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида транспорт муаммосини ҳал этишнинг энг самарали йўли сифатида аҳолининг шахсий автомобилдан жамоат транспортга ўтишини рағбатлантириш, шаҳарга кириб келишда ва метро бекатлари атрофида йирик автотураргоҳларни ташкил қилишни жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари ушбу масалалар нафақат тирбандликларни камайтиришга, балки пидедалар ва хайдовчилар хавфсизлигини таъминлашга ҳам бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Муҳокама натижасида Тошкент шаҳрида транспорт ҳаракатини оптималлаштириш, жамоат транспортдан фойдаланишни рағбатлантириш, "акпли" светофор ечимларини жорий этиш ва ахборот технологиялари асосида бошқарувни кучайтиришга оид аниқ вазифалар белгилаб олинди.

АҲОЛИНИ ПЕСТИЦИДЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан аҳолини пестицидлардан (заҳарли кимёвий моддалар)нинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги масъул ходимлари ва экспертлари, вазирилик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда заҳарли кимёвий моддаларнинг турлари, қўлланилиши ва миллий меъёрий базаси, уларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳамда атроф-муҳит ва озиқ-овқат маҳсулотлари мониторингини каби масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, пестицидларнинг инсон саломатлигига таъсир йўллари (сув, озиқ-овқат орқали, уларни қўллаш жараёнида, идиш ва контейнерлар орқали ва бошқа),

уларнинг оқибатида келиб чиқаётган касалликлар, уларга қарши курашишда хорижий тажриба қўриб чиқилди.

Иштирокчилар томонидан айрим заҳарли кимёвий моддаларнинг саратон касаллиги билан боғланганлиги борасида аниқ далилларнинг борлиги, шу сабабли аҳолига уларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш бўйича тавсияларни етказиш, жумладан, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, пестицидларни тўғри сақлаш ва утилланиш қилиш, мевалар ва сабзавотларни пухта ювиб истеъмол қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида бундай моддаларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

АДОЛАТЛИ СУД ТИЗИМИ — ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Олий Мажлис Сенатида суд ҳокимиятининг очиклиги ва чинакам мустақиллигини тарғиб қилиш мақсадида “Очиқ эшиклар кўни” ўтказилди.

Тадбирда Президент Администрацияси масъул ходимлари, Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, Оқил судлов академияси тингловчилари, олий юридик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, суд фахрийлари, адвокатлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг бошқа вакиллари қатнашди.

«Очиқ эшиклар кўни»

Сўзга чиққанлар Президентимизнинг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳияти ҳақида сўзлади.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон қадрини йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одил судловни таъминлашга бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан сўнгги 9 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини буткул янгилаш, суд органларини малакали кадрлар билан таъминлаш, умуман олганда, аҳолининг одил судловга ишончини ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Соҳага оид 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, суд тизимида оид кодекс ва қонунлар ислохотларга мос равишда қайта қўриб чиқилди.

Ташкилий жиҳатдан ҳам суд фаолиятида тўб ўзгаришлар юз берди. Маъмурий низоларни қўриб чиқиш бўйича Маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Айни судлар иш юритишда “қелишув битими” институтини жорий этилиб, тарафларга низоли қелишув битимини тузган ҳолда тўлиқ ҳажмда ёки қисман ҳал қилиш ҳуқуқи берилди.

Судларнинг молиявий мустақиллиги янада мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, суд органлари фаолиятида фуқаролар учун содда-лаштирилган ва қўлай тартиб-таомиллар жорий қилинмоқда. Суд тизимида “ягона дарча” тамойили ҳаётга татбиқ этилиб, аризалар тал-уқлиқлигига қўра тегишли судга қўриб чиқиш учун ўтказилиши белгиланди.

“Рақамли суд” концепциясини

амалиётга кенг жорий этиш, суд ишларини қўришда тезкорликни таъминлаш ва процессуал муддатларни тежа ш мақсадида суд мажлисларини видеоқонференцалоқа режимида ўтказиш йўлга қўйилди.

Суд раисларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ахборот тақдим этиб бориш амалиёти бекор қилиниб, судлар ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни ҳар чоракда хабардор қилиб бормоқда.

Ушбу ўзгаришлар судьяларнинг масъулиятини оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида қўрилишига, фуқаролар ортиқча овора-гарчилигининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бугун суд тизими олдига яна қатор янги вазифалар тургани алоҳида қайд этилди. Судьялар ҳамжамияти органларининг ролини ошириш, очик ва шаффоф механизмлар асосида судларни малакали кадрлар билан тўлдир-иш, уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва бошқа яна қатор масалалар Президентимизнинг юқорида номи тилга олинган Фармонида назарда тутилганга эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари одил судловни амалга ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш юзасидан ўз фикрларини билдириди ҳамда “Инсон қадрини учун” ғояси асосида адолатли суд тизимини ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ТУМАНДА ОДАМЛАР ЭЪТИЁЖЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида қатор учрашув ва мулоқотлар ўтказди.

Дастлаб Қўқча Оқтепа маҳалласида маҳалла фаоллари ҳамда “маҳалла еттичилиги” таркиби билан мулоқот бўлди. Учрашувда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтиришлар берилди. Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иқтисодий барқарорлик ва ёшлар таълимига доир қонунларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Маҳаллалардаги мавжуд муаммолар ва аҳолининг эътиёжлари ўрганилди. Қўқча Оқтепа маҳалласида ҳоким ёрдамчиси ҳамда ижтимоий ходим билан савол-жавоб ўтказилиб, фуқаролар мурожаатлари юзасидан тегишли вазифалар ижроқилари етказилди.

Шунингдек, Дегрез маҳалласида барпо этилаётган “Депутатлар боғи”да қўчталар экилиб, экологик муҳитни яхшилашга қаратилган ташаббус қўллаб-қувватланди. Маҳалладаги 106-умумтаълим мактаби ва 393-мактабгача таълим ташкилотини ёритиш тизими оид мурожаатлар жойида қўриб чиқилиб, назоратга олинди.

44-умумтаълим мактаби фаолияти ҳам ўрганилиб, таълим сифатини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, Тепакўрғон маҳалласидаги заргарлик йўналишида фаолият юритаётган тadbirkorлар билан учрашув ўтказилиб, ҳунармандчилик аънавларини сақлаш ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари қўриб чиқилди.

Ишчи гуруҳ томонидан халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Унда Сенатнинг асосий фаолияти, хусусан, парламент юқори палатасининг қонун ижодкорлиги, қонунлар ижроси бўйича парламент назоратини олиб боришининг айрим жиҳатлари тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, бугунги кунда долзарб қонунларни қабул қилиш, давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, парламент назоратини олиб бориш, ижро органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ олдидagi ҳисобдорлигини ошириш парламент фаолиятининг устувор йўналишлари экани қайд этилди.

Суҳбат давомида Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларининг фаолияти, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Талабалар Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар ва ёшлар билан ҳамкорлиги, қонунлар муҳокамаида худудлар манфаати қанчалик муҳим аҳамият касб этиши билан боғлиқ, шунингдек, парламент юқори палатаси фаолиятига тааллуқли қўллаб-қувватлашга жавоб олди.

Ёшлар Сенат қўмиталари ҳамда девон-и шарафин билан яқиндан танишиб, аграр, сув хўжалиги ва экология соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар, соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари юзасидан ҳам ахборотга эга бўлди.

«Халқ сўзи».

ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИ, КЕЛАЖАКНИ АСРАШ ДЕМАК

Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборот олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши қатъий белгилаб қўйилди.



Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган экологик меъёрлардан келиб чиқиб, экология, атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва такомиллаштирилди. Сув кодекси, “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсири баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги, “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги, “Ўсимликларни химоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидан. Шунингдек, аҳолининг маданий-

маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни муҳофаза қилишни кучайтириш, қурилиш майдонларида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талабларни белгилаш, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ер ости сув ресурсларини муҳофазалашга қаратилган 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгани билан гоятда аҳамиятлидир.

Бинобарин, ушбу ҳужжатга мувофиқ, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилди. У атмосфера ҳавоси сифатига салбий таъсир қилувчи моддалар ёққан иссиқхоналар ва бошқа объектлар фаолиятини вақтинча тўхтатади ёки тугатади.

Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан эса ёз-ёз мавсумида асосий йўл четларида мавжуд бўлган дарахт ва буталарни кўннинг биринчи ярмида ҳамда ҳафтада камида 3 марта ювиш ишлари ва тегишли хулосага асосан биотехник тадбирлар амалга оширилади. Бу эса шаҳар ҳавосидаги чангни камайтиради, фотосинтез самара-

дорлигини ошириб, эстетик кўринишни яхшилайдди. Зеро, бу ишлар шаҳардаги яшил ҳудудларни сақлашга қаратилган бўлиб, тўғри ташкилий ёндашув элементларига эгадир.

Жисмоний ва юридик шахслар ўзлари эгалик қилиб турган ер майдони ҳудудидаги дов-дарахтларни суғориш мақсадида ичимлик сувидан фойдаланиш вақтига қўйилган чеклов баҳор ва ёз фаслларида бекор қилинади. Бу, ўз навбатида, пойтахтимизнинг соғлом ҳамда экологик тоза шаҳарга айланишига, аҳоли учун қулай экологик муҳит яратишга имкон беради.

Ушбу ҳужжатга асосан, пойтахтимизнинг 33 километр узунлигидаги кичик ҳалқа йўли бўйлаб “яшил коридор” лойиҳаси амалга оширилади. Бу йўл бўйлаб дарахт, кўчатлар экилади, кўкаламзор, манзарали кўчалар, пиёдалар ва велосипед йўлаклари ташкил этилади. Мазкур лойиҳа умумий экологик муҳитни яхшилаш, ҳаво сифатини ошириш, шаҳар микроклимига ижобий таъсир кўрсатиш, аҳоли учун дам олиш ва экологик жойлар яратишга замин ҳозирлаши, шубҳасиз.

Табиатни асраш — бу инсонни, келажақни асраш демак. Асосий Қонунимиз эса барқарор иқтисодиёт, ҳавфсиз давлат, самарали бошқарув ва ижтимоий қадроларнинг ишончли пойдеворидир. Зотан, бугун у фуқароларимизнинг қулай атроф-муҳитга бўлган экологик ҳуқуқларини, мамлакатимизнинг экологик ҳавфсизлиги ва мусофоллигини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хайрулло ҒАФҒОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ:

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ДОИР КЕСКИН ЧОРАЛАР

Шу жиҳатдан Президентимиз томонидан “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармоннинг имзоланиши пойтахтимиз ҳавосини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан бир қаторда мамлакатимиз барқарор тарақиётини таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.

Табиий ва антропоген омиллар

Албатта, ҳаво ифлосланишига минтақамизнинг географик ўрни катта таъсир кўрсатади. Биз дунёдаги энг катта материк — Евроосиёнинг қоқ марказида жойлашганимиз. Иқлимимиз — нисбатан қуруқ. Чанг-тўзон ҳар доим кўпроқ ва кучлироқ. Бу сафарги чанг-тўзон бутун минтақани қамраб олгани ҳам шундан.

Синоптиклар маълумотларига кўра, ноябрь ойи бошидан бери Тошкентда ёғингарчилик ҳамжи иқлимий меъёрдан анча паст бўлди. Бундай ҳолат ҳаводаги майда заррачаларнинг табиий ювилишини тўхтатади ва уларнинг узоқ вақт атмосферада сақланиб туришига олиб келади. Ўзбекистон табиий жиҳатдан қуруқ ва яримқуруқ иқлим ҳудудида жойлашган бўлиб, БМТ экспертлари минтақамизни дунёда арид жараёнлар, яъни ўсимлик қопламнинг камайиши ва иқлим иситиш таъсири остида табиий чангланшининг ошиши энг тез кечяётган маконлардан бири сифатида қайд этган.

Шу билан бир қаторда, чангнинг кўпайишига шамолнинг йўқлиги ва ҳаво инерсияси ҳам сабаб бўлади. Шамол тезлиги паст бўлганда ёки ҳаво инерсияси ҳодисаси юз берганда (совуқ ҳаво қатлами ерга яқин, иссиқ ҳаво эса юқорида бўлганда) ифлослантирувчи моддалар шаҳар устида тўпланиб қолади ва тарқалиб кетмайди. Айниқса, шаҳар пастликда жойлашган бўлиб, тоғлар уни ўраб турса, бундай ҳолат тез-тез юзага келади.

Бироқ антропоген омиллардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида аҳоли сонининг тез сўрятьларда ўсиши, саноат корхоналарининг кўпайиши, транспорт воситалари ҳажмининг кескин ошиши ва иқлим ўзгаришлари натижасида экологик вазият жиддий таъшиш уйғотмоқда. Ҳаво ифлосланиши, чангли бўронларнинг тез-тез кузатилиши, чикинди муаммолари ва сув ресурсларидан иррационал фойдаланилиши шаҳар аҳолисининг саломатлиги ва турмуш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Пойтахт ҳавосининг ифлосланишига иссиқлик марказлари, авто-

мобиллар оқими, мазут ёқиш, қурилиш ишлари ва бошқалар сабаб бўлаётгани бор гап. Одатда, бу бир нечта омилларнинг ўзаро биргаликдаги таъсири натижасида юзага келади. Хусусан, транспорт воситалари ҳаво ифлосланишининг энг



катта манбаларидан биридир. Улардаги ёнилги ёқилиши натижасида азот оксидлари, углерод оксиди, майда дисперс заррачалар, учувчан органик бирикмалар, озон (ер юзасидаги), олтингугурт диоксиди (дизель ёнилгисидан) ажралиб чиқади. Шаҳарларда транспорт тирбандлигининг кўплиги бу муаммони янада кучайтиради.

Бундан ташқари, агар марказлашган иситиш тизимлари ёки айрим саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида мазутдан фойдаланилса, бу ҳам юқорида санаб ўтилган ифлослантирувчи моддалар, хусусан, майда заррачаларнинг кўпайишига олиб келади. Цемент ва кимё заводлари, металлургия корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари ҳам ўз фаолияти давомида ҳавога турли хил ифлослантирувчи моддаларни чиқариши мумкин. Йирик қурилиш майдонларида ва эски биноларни бузиш жараёнида ҳам катта миқдорда чанг ва майда заррачалар (PM10) ҳавога кўтарилади. Бу, айниқса, қуруқ об-ҳаво шароитида жуда сезиларли бўлади. Марказлашган тизими мавжуд бўлмаган ҳудудларда аҳоли уйлари-ни иситиш учун кўмир, ўтин ёки бошқа қаттиқ ёқилгилардан фойдаланганда ҳам ҳавога кўп миқдорда тутун, чанг ва олтингугурт диоксиди чиқади.

Шунингдек, ҳавонинг ифлосланишига чикиндиларнинг нотўғри бошқарилиши, уларнинг ёқиб юборилиши, яқин атрофдаги қўллар, қуриган кўллар ёки қишлоқ ҳўжалиги ерларидан келувчи чанг-тўзонлар ҳам таъсир кўрсатади.

Масалала комплекс ёндашув

Қўпича пойтахт ҳавосининг ифлосланиши юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчаси ёки бир нечтасининг комбинацияси натижаси бўлади. Муаммони ҳал қилиш учун комплекс ёндашув, яъни транспорт ҳаракатларини экологик нуқтаи назардан тартибга солиш, саноат чикиндиларини

камайтириш, энергия самарадорлигини ошириш, қурилиш стандартларини яхшилаш ва шаҳарсозликни режалаштириш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармоннинг асосий аҳамияти ва мақсади ҳам шунда. Ушбу ҳужжат нафақат экологик муаммоларни тан олиш, балки уларни ҳал қилиш учун амалий, комплекс ва кескин чора-тадбирларни жорий этишга қаратилган.

Фармон марказида, аввало, инсон омили ётади. Инсон саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилаш доимо давлатимиз раҳбарининг эътиборида. Ҳужжат шу маънода, аҳолига тоза ва соғлом муҳитни таъминлаш орқали касалликларнинг олдини олиш, умр кўриш давомийлигини ошириш ва шаҳарда яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Фармонда белгиланган ҳаво, сув ва тупроқни ифлослантирувчи манбаларга қарши чоралар бевосита инсон саломатлиги ҳимоясига

“*Ҳаво сифатини яхшилаш бир кунлик ёки биргина ташкилотнинг вазифаси эмас. Бу давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, корхоналар ва ҳар бир фуқаронинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этувчи кенг қўламли ишдир. Тоза ҳаво — бу бизнинг соғлигимиз, фаровонлигимиз ва келажагимиз гаровидир. Атроф-муҳитга эътиборли бўлиш, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш ва яшил маконларни асраб-авайлаш орқали барча учун муносиб ва соғлом яшаш муҳитини яратишимиз мумкин.*”

йўналтирилган. Саноат корхоналарининг чикиндиларини камайтириш, транспорт ҳаракатини чеклаш ва қурилишдаги чангни бартараф этиш талаблари аҳолининг нафас олиш йўллари касалликлари ва бошқа экологик муаммолар билан боғлиқ хавфларни камайтиради.

Фармонга кўра, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги иссиқхоналарнинг табиий газ билан барқарор таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади. 2025 йил 1 декабрдан бошлаб Тошкент АЁКШларида “АИ-80” бензинини сотиш тўхтатилади. Тигиз вақтларда шаҳарда юк машиналарининг ҳаракатланиши чекланади. Қурилиш объектларига ҳаво сифатини ўлчайдиган станция ва камералар ўрнатилади. Бундан кейин Тошкентда биноларни қуриш лойиҳалаштирилаётган пайти шамол йўналиши ва тезлигини инобатга олиш талаби қўйилади. “Яшил Тошкент” лойиҳаси учун масъул республика ишчи гуруҳи тузилади. Тошкент шаҳар ўрмон ҳўжалиги ташкил этилади. Энг муҳими, бундан кейин Тошкент шаҳрида дарахт кесиш қарори овоз бериш орқали қабул қилинади.

Экологик назоратни кучайтириш

ва масъулиятни ошириш мақсадида махсус комиссиянинг тузилиши ва унга кенг ваколатлар берилиши экологик қонунбузарликларга нисбатан кескин чоралар қўрилишдан далолат беради. Бу эса ифлослантирувчи субъектларнинг масъулиятсизлигига чек қўйишга хизмат қилади.

Тошкент ҳавосидаги зарарли моддалар ва чанг миқдорини кескин камайтириш Фармоннинг энг муҳим йўналишларидан бири. Бу борада қатор чоралар назарда тутилган. Саноат ва иссиқлик таъминотида чекловлар шулар жумласидан. Табиий чангланмиш кучайган пайтларда уларнинг фаолиятини чеклаш кўзда тутилади.

Транспорт ҳаракатини чеклаш, юк ташиш автотранспорт воситалари ва тоқ/жуфт давлат рақамли автомобилларнинг ҳаракатини вақтинча чеклаш (электромобиллар бундан мустасно) ҳавога ташлан-диган захарли газлар миқдорини

камайтиради. Атмосфера ҳавосига салбий таъсир этувчи моддалар ёқадиган иссиқхоналар ва бошқа объектлар фаолиятини вақтинча ёки тўлиқ тўхтатиш, қурилиш майдонларида чангни камайтирувчи ускуналарни ўрнатиш мажбурияти, шаҳарсозликни тартибга солиш ва сув ресурсларини ҳимоя қилиш, режасиз қурилишларнинг олдини олиш ва сув объектлари соғлигини таъминлаш экологик вазиятни яхшилаш гаровидир. Қурилиш ишларига чеклов ва талаблар жорий этиш, айниқса, оқар сув объектлари қирғоқ муҳофаза минтақаларида қурилишни тақийлаш сув ресурсларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу табиий сув айланмасини сақлашга ва сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олишга йўл очади.

Президентимиз Фармони Тошкент шаҳрининг экологик келажаги учун муҳим ва ҳал қилувчи қадамдир. У нафақат мавжуд муаммоларга кескин ва амалий ёчимлар тақлиф қилади, балки келажақ авлодлар учун тоза ва соғлом муҳитни таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегик йўлни ҳам белгилаб беради. Фармоннинг муваффақиятли ижроси Тошкентни нафақат замонавий ва ривожланган, балки экологик тоза, яшаш учун қулай шаҳарга айлантириш имконини беради.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

НАВҚИРОН АВЛОД ЮТУҚЛАРИ – МИЛЛИЙ ҒУРУР МАНБАИ

Куни кеча Олимпия шаҳарчасида Президент Олимпиадасига старт берилди. Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган спорт ўйинлари иштирокчиларига назар ташлаганимизда, ўзимизни катта имкониятларга бой бўлган янги воқеликда улғаяётган авлод қаршисида кўрдик.

Акс садо

Бугунги кунда ёшлардан ҳаётий зарур нарсалар талаб этилмоқда: фикрлаш эгилувчанлиги, рақамли саводхонлик, ўзини ривожлантириш қобилияти. Тасаввур қилинг, имтиҳон ёки танлов олдида турган бола фақат бир нарсани истайди — уни тинглашларини ва қўллаб-қувватлашларини. Кимдир — ота-она, ўқитувчи ёки давлат: “Сен буни уздайсан”, деб айтишини хоҳлайди.

Шу нуқтаи назардан айтганда, Президент Олимпиадасининг тантанали очилиши билим, меҳнат ва узлуксиз ривожланишга интилиш байрами сифатида қабул қилинди. У Ўзбекистон ёшларининг улкан имкониятлар дунёсига ишонч билан қадам қўйиш рамизи сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг очилиш маросимидаги иштироки тадбирга чўқур тарбиявий ва илҳомлантирадиган мазмун бағишлади. Қатнашчиларнинг ҳар бири узоқ тайёргарлик йўлини босиб ўтди ҳамда давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи Олимпиадани очилиш учун ўз меҳнатлари қадрли, муваффақиятлари муҳим ва орзулари қўллаб-қувватлашга лойиқ эканининг тасдиғи бўлди.

Энг қизгин лаҳза Президентимизнинг янги авлоднинг энг истеъдодли шахматчиларидан бири Жаҳоҳир Синдоровнинг Жаҳон кубогидеги ғалабасини эътироф

этиб, халқимизни қутлагани бўлди. Юртбошимизнинг сўзларида нафақат Жаҳоҳирнинг ютуқларидан фахрланиш, балки бундай ёш истеъдодлар Ўзбекистоннинг келажаги эканига ишонч яққол сезилиб турди.

Президентимизнинг ёш шахматчи кўнгирок қилиши шунчаки эътибор белгиси эмас. Бу жамиятнинг маданий қодини акс эттирадиган, бу ерда ёшларнинг муваффақиятлари эътибордан четда қолмайди, уларнинг ютуқлари миллий ғурурга айланади. Яъни давлат ўз устида ишлаётган, ўсаяётган, мамлакатга янги ғалабалар олиб келаятганларни кўради ва қўллаб-қувватлайди — хоҳ у шахмат, хоҳ фан, хоҳ математика, хоҳ санъат бўлсин.

Бундай лаҳзаларда ҳар бир йигит-қизда ўзининг саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборга олинишига ишонч тўғрисида қайта бўлади.

Президент Олимпиадаси шунчаки мусобақа ёки истеъдодлар танлови эмаслиги, шубҳасиз. Бу мамлакатнинг ҳар бир бола ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга бўлган интилиши мужассам воқеа, десак, муболага эмас.

Депутат сифатида мен учун бу шунчаки маърифий тадбир бўлиб қолмайди, албатта. Бу мамлакат қудрати, ҳақиқатан ҳам, фарзандлари қалбида юксалиб бораётгандала далолатдир.

Ғали РАЙХАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Келажақ учун масъулият

Дарахтлар — сайёрамизнинг “ўпкаси”дир. Улар фотосинтез жараёнида карбонат ангидридни ютиб, кислород ишлаб чиқаради, шунингдек, ҳаводаги чанг зарраларини, турли зарарли газларни ўзига сингдириб, ҳавони тозалайди. Шаҳарларда яшил майдонлар ва дарахтзорларни кўпайтириш ҳаво ифлосланишини табиий равишда камайтиришнинг энг самарали йўлларида биридир. “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси пайта ташаббуслар доирасида кўчат экиш қўламини кенгайтириш ва уларнинг парваришини тизимли йўлга қўйиш, янги қурилаятган ҳудудларда дарахтзорлар ва боғлар учун мажбурий ер ажратиш, мавжуд яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳам табиат мусофоллигини асрашда муҳим роль ўйнайди. Фармонда бу масалаларга катта аҳамият берилган.

Атроф-муҳитга зарар етказувчи саноат корхоналарининг Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудларга кўчирилиши шаҳар ичидеги экологик босимни сезиларли даражада енгиллашти-ради. Шунингдек, саноат корхоналари учун ташламаларнинг руксат этилган миқдорини белгилаш ва бузилиш ҳолатларида чора кўриш уларнинг экологик масъулиятини оширади.

Ҳаво сифатини яхшилаш бир кунлик ёки биргина ташкилотнинг вазифаси эмас. Бу давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, корхоналар ва ҳар бир фуқаронинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этувчи кенг қўламли ишдир. Тоза ҳаво — бу бизнинг соғлигимиз, фаровонлигимиз ва келажагимиз гаровидир. Атроф-муҳитга эътиборли бўлиш, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш ва яшил маконларни асраб-авайлаш орқали барча учун муносиб ва соғлом яшаш муҳитини яратишимиз мумкин.

Бугунги кунда қилинадиган ҳар бир ҳаракат эртанги кунимизнинг, фарзандларимизнинг тоза нафас олиши учун пойдевор бўлади. Зарарли одатлардан воз кечиш, атроф-муҳитга эҳтиёкорона муносабатда бўлиш, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ўрганиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан қатор учрашуларда ўтказмоқда. Мулоқотларда асосий эътибор жойлардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришга қаратилмоқда.

Ёш олимлар ва талабалар билан мулоқот

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Робаҳон Маҳмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Андижон вилоятидаги ўрганишлари доирасида табиий таълим сифати ва амалиёт интеграцияси жараёнидаги эътибор қаратилди.

Фракция раҳбари Андижон давлат тиббиёт институти фаолияти билан танишар экан, тиббиёт олийгоҳлари қошидаги клиникалар талабанинг шифокор сифатида шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутишини, назарий билимлар бевосита бемор билан мулоқотда, реал вазиятларда синоддан ўтказилгандаги ёш мутахассисда касбий интуиция пайдо бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ишчи гуруҳ томонидан бу ердаги талабаларнинг илмий-иҷодий фаоллиги алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ёш тадқиқотчилар томонидан яратилган болаларда яссиовқликнинг олдини олиш учун махсус ортопедик пойабзаллар, ультрабинафша нурлар ёрдамида стерилизация қилувчи илҳам аппаратлар ва таъхис қўйиш жараёнини рақамли таҳлил этувчи “рақамли фонендоскоп” ҳам лойиҳалар депутатларда катта қизиқиш уйғотди.

Талабалар томонидан ишлаб чиқилган анатомик моделлар ва ижтимоий тармоқлардаги интерфол илмий платформалар тиббий таълимни рақамлаштириш йўлидаги дадил қадамлар сифатида баҳоланди.

Ёш олимлар ва талабалар билан мулоқотда “Адолат” СДПнинг бу борадаги позицияси қатъий билдирилиб, иқтидорли ёшларни халқаро грантлар, стипендиялар ва хорижий амалиёт дастурларига кенг жалб қилиш бугунги кун талаби экани, илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёшлар ангилликлар жараёнининг марказида турши таъкидланди. Бу борада тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга оид тақлифлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Ширинов Бўҳоро вилоятининг Олот туманида бўлиб, қатор учрашулар ўтказди, аҳоли вакиллари билан мулоқотлар қилди.

Дастлаб туман тиббиёт бирлашмасининг иш жараёни, беморларга яратилган шароитлар ўрганилди. Мулоқотлар чоғида мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаятган кенг қўламли ислохотлар, хизмат нархларининг барқарорлигини таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Сўхбат давомида соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тиббиёт муассасаларида шаффофликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, амалдаги имкониятлар ва йўлга қўйилган янги тизимлар ҳақида фикрлар алмашилди.

Депутат ўрганиш давомида Давлат хизматлари марказида ҳам бўлиб, аҳолига кўрсатилаятган хизмат сифати, яратилган шароитлар ҳамда марказда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш чоралари алоҳида эътибор қаратилди. Ўрганишлар чоғида фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Чортоқликлар масаласи ҳал бўлиш арафасида

Қонунчилик палатаси депутати Дилноза Азизова-нинг Чортоқ тумани ҳокими ҳамроҳлигида Арбағчи маҳалласидан туман марказига тортилаятган 52 км. узунликдаги ичимлик суви лойиҳаси бўйича қилинаятган ишлар билан танишгани бежиз эмас. Кейинги пайтларда депутатга аҳолидан ушбу масалада кўллаб мурожаатлар бўлаятган эди. 300 млрд. сўмлик лойиҳа ижроси суви билан маркази аҳолисини узлуксиз ва сифатли сув билан тула таъминлайди.

“Маҳалла еттилик” вакиллари билан ҳам учрашган депутат долзарб экологик масалалар — чикинди, дарахтларни асраш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ҳаракатида бўлган фуқароларга ёрдам бериш ва бу орқали янги иш ўринлари яратишга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, халқ вакили Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ айна пайтда атмосфера мусофоллигини таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаятганини таъкидлади. Ушбу масала долзарб бўлиб, барча масъулар, юртдошларимиз ва экофаоллар бирлашиб, экологиямиз барқарорлиги учун ҳаракат қилиши зарурлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

«СОҲИЛ БЎЙИ»ДАГИ ХАЗИНА

Тўқай деганда табиат ва инсоннинг атрофга анчайин хайрихоҳлиги туфайли пайдо бўлган ҳудуд кўз ўнгимизда гавдаланади. Навойида Зарафшон дарёсининг ўзи Хатирчи, Навбахор, Кармана ва Қизилтепа туманларидан оқиб ўтиб, минглаб гектар ҳудудларда тўқайзорлар яратган. Мавсумий яшиллик ва айрим биологик турлар учун маскан бўлиб келган бу ҳудудлар қатор инфекция ўқоқларига ҳам айланган. Улар йиллар давомида ўрганиш ва зарарсизлантириш ишларидан четда қолган. Айрим ҳолларда тўқайзорлар атайлаб ёқилиб, "тартибга келтириб" турилган.

ИМКОНИАТ

— Аслида бу ҳудудларни ўзлаштириб, соҳилга, экологик мувозанатни сақлаган ҳолда аҳоли дам оладиган масканларга айлантирилиши шу пайтгача ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, — дейди Навойи виллояти Санитария-эпидемиологик осойиш-таллик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи Зафаржон Азимов. — Узоқ йиллар давомида қаровсиз қолган дарё-олди ҳудудларидан самарали фойдаланиш ишлари бошлаб юборилди. Хатирчи туманининг "Янги Ўзбекистон" массивида "Соҳил бўйи" лойиҳаси доира-сида дам олиш маскани бунёд

этилаётганидан ҳудуд аҳолиси ҳам, меҳмонлар ҳам хурсанд. Ҳудудда бугунги кунда соҳил туризмни ривожлантириш учун турли замонавий дам олиш объектлари қад ростламоқда. — Мазкур драйвер лойиҳа учун 5,9 млрд. сўм маблағ ажратилди. Дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, кўча чиқоқлари ва фавворалар ўрнатиш, 1,2 км. узунликдаги кўчани ва атрофини ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Жавлон Чинниқулов. — Келгусида бу ҳудудга ташриф буюрувчилар, балиқ овлаш, минигижда куёш нуридан баҳра олиш, чўмилиш, тоза ҳавода, хушманзара ман-

зилларда сайр қилиш имконига эга бўлади.

Навбахор туманининг Навбахор маҳалласида эса "Соҳил бўйи" лойиҳаси доирасида янги дам олиш масканлари, сайл-гоҳлар ва спорт майдончалари барпо этилмоқда. Қурилиш ишлари "Қийқим меъмори" хусусий корхонаси томонидан олиб борилмоқда. Лойиҳа концепциясида муҳандислик тармоқларини янгилаш, экологик талабларга риоя этиш ва аҳоли учун қулай инфратузилмани яратиш ўз ифодасини топган.

— Мазкур лойиҳа нафақат туман аҳолиси, балки меҳмонлар учун ҳам мазмунли дам олиш имкониятларини яратади, — дейди шифокор Бобожон Рафқоров. — Беш-олти йил бурун бирор меҳмон келса, қаерга олиб боришни билмасдик. Энди бундай лойиҳалар туман имизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач 200 га яқин янги иш ўринлари ҳамда бир вақтнинг ўзига 3000 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиш имкони яратилади. Албатта, ҳар бир ҳудуд ободли-гида сув иншоотлари, жумла-дан, ариқ ва лотоклар, уларнинг атрофини тоза сақлаш муҳим ўрин тутаяди. Навойи шаҳридаги "Ёшлик" кўлининг қарийб йи-гирма йил давомида чўкинди, балчиқ ва ҳар хил чилқиндилар-дан тозаланмаган шу давр мо-байнида қанчадан-қанча муам-молар келтириб чиқарганини тасав-вур этиш қийин эмас.

— Ушбу сув ҳавзаси ёз жа-зирасида ўз салқинини бе-риб турган, — дейди виллоят ҳокимининг ахборот масалалари бўйича маслаҳатчиси Шохи-ра Рауфбоева. — Бирок кўлда-га олиб боришни билмасдик. Энди бундай лойиҳалар туман имизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

талабларига жавоб бермай қол-ганди. Айни кунда янги лойиҳа асосида "Ёшлик" кўлини янги-лаш ишлари олиб борилмоқда. Кум-гил қопламалари янгила-ниб, боғ ҳудуди ободонлашти-рилади. Дам олувчилар учун инфратузилмага эга бўлади.

"Соҳил бўйи" лойиҳаси вил-оятнинг Конимех ва Нурота ту-манлари ҳудудидagi Айдаркўл соҳилларида ҳам қатор истик-болли лойиҳалар амалга оши-рилишига туртки бериб. Маз-кур ҳудудларда туризм инфра-тузилмасини яхшилаш ва хори-жий туристлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида меҳ-монхона, ресторан, соҳил бўйи пляжи, айвончалар, тер-расали рестороанлар, спорт май-дончалари, дам олиш зонала-ри, автотураргоҳ, замонавий ўтовлар, голф майдонлари, вертолёт кўниш зонаси, волей-бол стадиони, болалар майдон-чалари, квадроцикллар йўлаги барпо этилиб, ўнлаб кило-метрлик ички йўллар таъмир-ланмоқда.

Албатта, барча соҳил бўйла-рини бирварақайига сўлим мас-канларга айлантириш мушкул. Бирок бугун тадбиркорлик субъектларининг ушбу ҳудуд-ларга қизиқиши ортаётгани ҳам ақин келажақда "Соҳил бўйи" хизмат кўрсатиш тармоқлари янада раванг топиши, ҳудудлар жозибдорлиги ошишига замин ҳозирлайди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

КЎЗЛАРГА НУР, ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ

Кўз — инсоннинг ҳаётга ойнаси, атрофдаги гўзалликларни таниш ва ҳис этиш имконини берувчи бекиёс неъмат. Шу боис уни асраш, кўриш қобилиятини сақлаб қолиш ҳар бир инсон учун жуда муҳим. Кўз тўр пардаси инсон кўришида ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Унинг йиртилиши ёки зарарланиши чакноқлар, қоронғи пардалар, кўришда кескин ўзгаришлар билан намоён бўлади. Бу ҳолатда шифокор ёрдами кечиктириш — кўришдан маҳрум бўлиш хавфини ортиради.



Саломатлик

Яқинда Самардан ташриф бу-юрган малакали жарроҳ Илья Ка-заков Кўз микрохирургияси мар-казининг Термиз филиали шифокор-лари билан биргаликда икки кун да-вомида ўндан ортиқ беморларда айнан шу турдаги мураккаб амали-ётларни муваффақиятли бажарди.

— Мақсадимиз фақат операция ўтказиш эмас, балки билим ва таж-рибамизни бўлишиш, — дейди ма-лакали шифокор Илья Казаков. — Ўзбекистондаги ҳамкасбларимнинг салоҳияти юқори. Биргаликда амал-га ошираётган ишларимиз беморлар соғлиғига муҳим ўрин тутмоқда.

Термиз филиали шифокорлари учун бу ҳамкорлик катта имко-ният очди.

— Филиалда витректомия каби мураккаб амалиётларни йўлга қўйиш имкони яратилди, — дейди шифокор Азизбек Муродов. — Ил-гарий бундай операциялар учун бе-морлар пойтахтга боришга мажбур эди. Энди эса барчаси ўзимизда амалга оширилмоқда. Мураккаб

амалиётлар орқали кўплаб бемор-лар ҳаётига янги нур қирмоқда.

— Чап кўзим деярли кўрмай қол-ганди. Ростини айтсам, умидим жуда оз эди, — дейди Нурали Нормаматов. — Лекин шифокорлар вақтини ҳам, меҳнатини ҳам аяма-ди. Амалиётдан кейин кўз нурим қайтди. Бу ҳаётимнинг иккинчи на-фаси бўлди.

Филиалда жарроҳлик билан бир-га профилактика ишлари ҳам олиб борилмоқда. Мутахассислар киши-ларга кўришда ноўя ўзгаришлар-ни сезса, дарҳол қўриқдан ўтишни тавсия қилмоқда.

Термиз филиалида амалга оши-рилаётган мазкур ишлар, хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик ва замонавий ускуналар кўплаб бе-морларга кўриш қобилиятини, энг муҳими — умид ва ишончини қай-тармоқда. Кўз — инсоннинг энг но-зик ва қимматли бўйлиги. Уни ас-раш эса саломатликка қўйилган му-ҳим қадамдир.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

77 ЁШИДА ЮРТИМИЗНИ ПИЁДА КЕЗГАН ОТАХОН

Бухородаги Етти пир зиёратгоҳи
Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент,
Ромитан, Когон туманларида жой-
лашган. Улар оралиғидаги масофа
150 километр атрофида.

Саёҳат

Автомобилда борилса, зиёрат амалларини ўташ билан бирга са-киз-тўқиз соатча вақт сарфлана-ди. Бу масофани Пешку тумани Янгитурмуш қишлоғида яшовчи 77 ёшли Мухаммад Қудратов яқин-да 24 кунда яёв босиб ўтди.

— Мухаммад ака виллоят туризм бошқармаси кўмағида пиёда юриб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди, — дейди шоира Махфират Атоева. — Яёв юриш ижодкорга ил-ҳом бахш этади. Негаки, юртимиз-нинг ҳар гиёҳи, рангин қиёфаси, қайноқ нафасини кўнгли кўзи би-лан кўрмоқнинг гашти бўлакча.

Мухаммад Қудратов серкирра ижодкор. У ҳам Ёзувчилар, ҳам Журналистлар уюшмалари аъзо-си. Кейинги ўн йиллик умрини пиёда юрт кезишга, юртимиз сайёҳлик са-лоҳиятини намойиш қилишга ба-ғишлади. 2018 йилда республика-миз виллоятларини велосипедда сўр этиб келганди. Орадан уч йил ўтгач, турмуш ўртоғи Ширин Саи-дова билан Ўзбекистон бўйлаб яёв саёҳат қилди. Олган таассуротла-



ри асосида "Водийларни яёв кез-ганда" деб номланган китоб ҳам ёзди.

— Ўшанда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" дастури доирасидаги сафаримиз Андижон виллоятининг Хонободидан бошланганди, — дея эслайди Мухаммад ота. — Икков-лон юртимизнинг 12 та виллояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғис-тон Республикасини 100 кундан зиёд вақт давомида сайру саёҳат қилиб чиққанмиз.

Отахон шу кеча-кундузда ҳам пи-ёда ёки велосипедда юришни кан-да қилмайди. Кексалигига қарамай тўрт мучаси соғлом. Шифокорга қачон "иши" тушганини эслолмай-ди. Айтмоқчи, отахоннинг юрткезар-лиги, ички туризм тарғиботидаги хизмати эътиборда. У "Маҳалла иф-тихори", "Туризм фидойиси" кўрак нишонлари билан тақдирланган.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Яшил макон

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, ТУТГАНИ ҲИСОБДА

Учкўприк туманида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бугунги кунда оддий кўчат экиш тадбири эмас, балки бошқарув, парвариш, назорат ва жамоат иштирокини бирлаштирган бир бутун экологик тизим сифатида шаклланимоқда.



Бу ерда кузги мавсумда қарийб 600 минг туп кўчат экиш режаси белгиланган. Мазкур иш-лари самарали бўлиши учун жо-ри йилдан бошлаб туманда ер танлашдан тортиб кўчат парва-риши, сугориш тизими, ўғит би-лан таъминлашга бўлган жара-ёнлар ягона тизимга бир-лаштирилди. Бундай ёндашув аввал кузатилган "сон учун экиш" амалиётидан воз кечи-б, сифат-ли ва ўсиб қолиш даражаси юқори бўлган яшил муҳит барпо этишга хизмат қилмоқда. Шу би-лан бирга, маҳаллий иқлим ша-роитига мос мева-ли ва манза-рали дарахт турларини танлаш-да ҳам аниқ илмий асосланган ёндашув қўлланилмоқда.

Учкўприк тумани марказий кўчаларида ноёб манзарали каш-тан кўчатларини экиш ишлари бошлаб юборилди. Кузги мавсум учун белгиланган 600 мингдан зиёд кўчатларнинг салмоқли қисми Кува туманидан етказил-моқда. Маҳаллий фермерлар эса 35 мингдан ортиқ туп ниҳолла-рини тайёрлаган. Қораянтоқ ва Наврўз маҳаллалари аҳолисининг терак кўчатчилиги бўйича тажри-баси эса ёндоқликда Марказий Фарғона ҳудудидagi маҳаллалар-га ҳам татбиқ этилмоқда.

— Тумандаги 51 та маҳалла-да 487 та кўча ва 50 мингдан зиёд хонадонлар мавжуд, — дей-ди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Учкўприк тумани бўли-ми бошлиғи Сатторхўжа Акба-ров. — Айни пайтда ҳар бир хо-надонда, ҳар бир кўчада дарахт экиш ишлари оммавий тус ол-моқда. Катта Қашқар маҳалла-сининг ўз боғи ташкил этилга-ни, яқин кунларда яна ўндан

ортиқ маҳаллаларда янги боғлар барпо қилиниши лойиҳанинг ҳақиқий умуммиллий ҳаракатга айлانганини яна бир бор кўрса-тади. Бу нафақат кўкаламзор-лаштириш, балки аҳолида эко-логик маданият ва ўз ҳудудига масъулиятни ҳам кучайтиради.

Ўтган йили Боғу бўстон ма-ҳалласининг 20 сотих майдони-да "Менинг боғим" лойиҳаси до-ирасида аҳоли ҳордиқ чиқари-ши учун қулай яшил ҳудуд бар-по этилганди. Қўжон ўрмон хўжа-лиги мутахассислари бу ердаги ниҳолларнинг мунтазам парва-ришини таъминлаб келмоқда. Маҳаллада "Яшил жамоат пар-ки"нинг ташкил этилгани жа-моавий боғ барпо қилиш мада-ниятини янги босқичга олиб чиқ-ди. Келгуси йили Меҳнатобод маҳалласини ҳам ана шундай лойиҳалар кутиб турибди.

— Бундан бўён ҳар бир кўчат-ни экишдан олдин сугориш ти-зими мавжудлиги, унинг парва-риши бўйича масъуллар белги-ланганига жиддий эътибор бе-риляпти, — дейди Учкўприк ту-мани экология ва иқлим ўзгари-ши бўлими бошлиғи Давронбек Раҳимов. — Шу тарзда экилган ҳар бир дарахт "Яшил макон" электрон платформасига кири-тилиб, унинг кейинги тақдирини қатъий назоратга олиниши таъ-минланапти.

Учкўприкдаги экологик таша-бус фақат давлат ва маҳалланинг эмас, балки хусусий сектор ҳамда фаол зиёлиларнинг ҳам-корлиғида амалга оширилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

АЛАН ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРГАН ДАРС

Алан Аҳмедов ўн бир ёшда. Унинг иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор. Кўл-оёқ панжаларидаги хасталик туфайли мактабга боролмайди. Бирок бу унинг билимга ва дўстликка бўлган иштиёқини тўсиб қўймаган. Алан тенгдошлари каби ўрганишни, ҳаётда ўз ўрнини топишни, дўстлари билан бирга вақт ўтказишни орзу қилади.

Бағрикенглик

Шу боис синф раҳбари, олий тоифали ўқитувчи Саиде Байрамова унинг уйида ноодатий дарс ташкил қилди. 4-«А» синф ўқувчилари "Биз — ҳар хилмиз, аммо доимо бир-гамиз!" шиори остида Алан би-лан учрашди. Бу дарс мактаб-да эмас, балки Аланнинг уйи-да бўлиб ўтди. Дўстлари уни йўқлаб борди, бирга мулоқот қилишди.

— Бу машғулотнинг асосий мақсади ўқувчилар орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш-дан иборат, — дейди Саиде Байрамова. — Дарс давомида болалар Аланга концерт дас-

турини тақдим этишди. Ўзла-ри тайёрлаган эскизлар ва ижодий ишларини кўрсатишди. Устози эса Пушкиннинг машҳур шеъриндан парчани ёддан ўқиб берди. Болалар му-сика дарсида ўрганган "Эзгу-лик йўлидан юрғил" қўшигини биргаликда ижро этди. Дарс якунида Алан ўз дўстларидан совғалар, суратлар ва ширин-ликлар қабул қилди. Уйда ўтқа-зилган бир кунлик дарс Алан ҳаётини бутунлай ўзгартирди, у атрофдаги дўстлари ва меҳ-рибон ўқитувчилари борлигини ҳис қилди. Бундан барча иш-тирокчилар ҳам хурсанд. Алан-



Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯШИРИН САБОҚЛАР ОРТИДАГИ ХАТАР

Андижон шаҳрида яшовчи бир фуқаро ўз хонадонида ноқонуний "хужра" ташкил этиб, йигирмага яқин болажонларга диний сабоқ бериб келгани аниқланди. Унинг дарсларида ёш ҳижатдан турлича бўлган ўғил-қизлар билимни ҳар хил ўзлаштирган. Кимдир мавзунини тез ёдласа, бошқаси ортда қолган. Бундай ҳолларда "устоз" хивчин билан жазолаш усулини қўллаган.

Хушёрлик

Машғулотида ўқатиладиган хонага кузатув камераси ўрнатилган бўлиб, фуқаро шу восита орқали хонадонига келаётган кишиларни назорат қилиб турган. Агар шуб-хали ҳолатни сезса, дарҳол хонадаги музлаткични суриб, унинг ортидаги тешиқдан болаларни ертўлага тушириб юборган. Уларга овоз чиқармаслиқни ўқитган. Ички ишлар ҳодимлари хонадонини текширганида, диний китоблар орасидан тақиқлан-ган адабиётлар ҳам топилди. Фуқаро бар-ча қилмишларининг қонунга зид эканини билган ҳолда фаолиятини давом эттирган.

— Виллоятимизда диний муҳитни соғлом-лаштириш, ёшларни турли гаразли оқим-лар таъсиридан асраш, жамиятда соф эътиқод ва маърифатни мустаҳкамлаш йўналишида тизимли ишлар амалга оши-рилмоқда, — дейди виллоят ИИБ Терро-ризмга қарши курашиш бошқармаси катта мутахассиси, майор Шерзодбек Мирзаев. — Айниқса, "хужра" деб аталмиш ноқону-ний таълим манбаларини аниқлаш ва улар-га ҳуқуқий баҳо бериш борасида кенг ҳам-ровли чоралар кўрилоқда. Жорий йил-нинг 9 ойи давомида виллоятда 184 та но-қонуний диний таълим бериш ҳолати фош этилди. Шулардан 94 таси хонадонларда

ташкил қилинган бўлиб, 592 нафар вояга етмаган бола ноқонуний равишда сабоқ ол-ган. 65 та ҳолатда 354 нафар шахс яширин "қироатхонлик" тўғрақларига қатнашган, 25 та ҳолатда эса ижтимоий тармоқ орқали виртуал дарслар ўтилгани аниқланган.

Мутахассислар таъкидлашича, бундай "хужра"лар фақат қонунбузарлик эмас, балки болалар руҳиятига жиддий зарар ет-казиши. Бундай муҳитда ўсган болалар оиладаги меҳр ва эътибор ўрнига қўрқув ва қаттиққўлликни ҳис қилади. Бу эса кел-гусида ишонсизлик, қўрқоқлик ва ҳаёт-дан четланиш каби руҳий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

— Бугунги кунда Қуръонни ўрганиш ва ди-ний сабоқ олиш учун барча шароит яратил-ган, — дейди Андижон шаҳрида яшовчи Неъматжон Абдукаримов. — Масалан, Андижон шаҳридаги Саййид Мухйиддин Маҳдум номли ўрта махсус диний билим

юртида ҳар йили хоҳловчилар учун махсус курслар ташкил этилади. У ерда тажриба-ли устозлар болалар ва катталарга ислом таълимотини одоб, адолат ва маънавият асосида ўргатади. Қонуний таълим билан ноқонуний "хужра" ўртасидаги фарқ осмон билан ердек. Қонуний муассаса билан, маърифату меҳрга таянади, ноқонуний хуж-ралар эса қўрқув, нафс, пулга қурилан.

Шунинг учун ота-оналар фарзандининг қаерда ва қандай таълим олаётганига жи-ддий эътибор қаратиши зарур. Акс ҳолда бола сохта "устозлар" таъсирига тушиб, маънавий бўшлиқча юз тутаяди. Болалар онгда пинҳона дарслар эмас, балки очик ҳақиқатлар, соф муҳит ва пок иймон мус-таҳкам бўлиши лозим. Акс ҳолда, мурғак қалбларда қайта тикланмас дарз қолиши мумкин.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Келгуси йил 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 2027 йилда эса 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзқиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.05 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6